Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
19 ноябрь
ШАНБА

№ 91
(12.415)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС БИОМЕТРИК ПАСПОРТ

**Малакатимизда халқаро намунадаги биометрик паспортни – унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатни расмийлаштириш ҳамда бериш бошланди. Бу борадаги ишлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан мамлакатимиз 2015 йилнинг охиригача биометрик паспортлаштириш тизимига тўлиқ ўтади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Абдусаттор МАТКАРИМОВ ушбу тизимни жорий қилиш учун ташкил этилган механизм, янги паспортларни расмийлаштириш ҳамда бериш жараёни қандай амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди:

– Мустақиллик мамлакатимизга барча соҳалар, шу жумладан, халқаро муносабатларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди, – дейди А. Маткаримов. – Ўзбекистон 20 йилдан буён халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўплаб халқаро конвенция ҳамда ҳужжатларни, жумладан, 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ҳамда 2004 йилдаги Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Монреаль ассамблеясининг резолюцияси ижросини таъминлашда иштирок этмоқда. Ўзбекистон мазкур ҳужжатларга мувофиқ ва ИКАО аъзоси сифатида ўз мажбуриятларига риоя қилган ҳолда, биометрик паспорт – электрон ҳаракатланиш ҳужжатини жорий этмоқда. Бу ҳужжатнинг ҳар бири унинг эгаси ҳақида шахсий биометрик параметрлар – рақамли фотосурати ҳамда бармоқлари излари туширилган биографик маълумотларни ўз ичига олган махсус электрон чип билан таъминланган.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда электрон ахборот манбасига эга биометрик паспортлар дунёнинг аксарият мамлакатларида жорий этилган. Улар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, авиайўловчилар учун юқори даражадаги қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг вақтини тежаш мақсадида татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ мамлакатимизда янги намунадаги паспортларни жорий этиш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом жорий этилди. Уларда халқаро талабларга жавоб берадиган ҳужжатларни расмийлаштириш ва бериш билан боғлиқ барча жараёнлар батафсил баён қилинган.

Шунга мувофиқ, электрон чипга эга қуйидаги ҳужжатлар – ўзбек ва қорақалпоқ тилидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжати, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти белгиланди.

Тайёр паспортлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг ҳудудий бўлимларида расмийлаштирилмоқда ва берилмоқда. Яшаш жойлардаги паспорт столлари энг замонавий ускуналар ҳамда технологиялар билан таъминланди. Тегишли мутахассислар махсус ташкил этилган курсларда мунтазам ўқитилмоқда.

Паспортлар босқичма-босқич алмаштирилади ва бу 2015 йилгача давом этади. Мазкур даврда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари биометрик паспортларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти эса янги ҳужжат алмаштириладиган давргача ҳақиқий ҳисобланади.

Ҳозир пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ички ишлар бўлимларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида биометрик паспортлар берилмоқда. Ҳар куни ўртача 50 одам янги паспорт олмоқда. Жадвалга мувофиқ, тез орада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг бошқа барча ҳудудий бўлимларида ҳам янги паспортларни бериш бошланади.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ИҚТИСОДИЁТ



## ТЕЗКОР ЧОРАЛАР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

**Ички ва ташқи бозорни муттасил ўрганиш, ишлаб чиқаришни уларнинг талаблари ўзгаришига мос равишда қайта ташкил этиш иқтисодиёт ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Агар акси бўлса, ҳар қандай ишбилармоннинг таназзули аниқ.**

Зангиота туманидаги "Хай Тек Кабел" қўшма корхонаси биринчи ярим йилда ишлаб чиқаришнинг йиллик башорат кўрсаткичини пасайтирди. Экспортга мўлжалланган кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бу корхонада юз берган аҳвол вилоят ҳокимлиги, унинг тегишли бошқармаларини ташвишга солмаслиги мумкин эмас эди. Малакали мутахассислар гуруҳи бунинг сабабларини ўрганди.

Маълум бўлишича, кейинги ойларда хорижий ҳамкорлардан кабель маҳсулотларига талаб камайган.

Бу ҳолат қўшма корхонага шошилинч ёрдам кўрсатишни тақозо этарди. Уни янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ички бозорларда сотишга йўналтириш зарур эди. Шу мақсадда корхона вилоят маҳаллийлаштириш дастурига киритилди.

(Давоми 2-бетда).



## ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида Ватанимиз мустақиллиги, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга эришиш йўлидаги машаққатли курашлар тарихи кенг акс эттирилган. Мазкур асар юртимиздаги барча вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасаларида кенг ўқиб ўрганилмоқда.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашида Президентимиз китобининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда соҳа ходимлари олдидаги долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда касаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, олий таълим масканларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ. Назаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликка, обод ва фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, заҳматли меҳнат ва машаққатли курашлар ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур асар ўзининг тарихий қиммати билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Китоб истиқлол арафасида халқимиз бошидан кечирган оғир синов ва машаққатлар, ўша йиллардаги мураккаб сиёсий-ижтимоий, иқтисодий вазият ҳақида ўқувчиларда ёрқин тасаввур уйғотади. Асарда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимизни оғир инқироздан олиб чиқиш, халқимизни бугунги ёруғ кунларга етказиш борасида амалга оширилган улкан ишлар, эзгу ғоя ва ташаббуслар ўз аксини топган.

Бугун жаҳонда "ўзбек модели" сифатида кенг эътироф этилаётган тараққиёт йўлининг асосий тамойиллари, барча соҳаларда туб ижобий ўзгаришлар қилишга қаратилган жасоратли ташаббуслар ўша оғир ва таҳликали йилларда туғилганини англашда мазкур китоб муҳим манбадир. Шу боис асар халқимиз, айниқса, ёшларимизни бугунги дориламон кунларнинг қадрига етишга, мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга, яратилаётган шароит ва имкониятларга муносиб бўлишга ундайди.

Конференцияда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби вилоятимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, мамлакатни модернизация қилиш борасида эришган улкан ютуқларимиз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоидалар билан чамбарчас боғликдир.

Бекобод туманидаги "Далварзин" маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Бош Қомусимизнинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашувда ёшларга Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кенг тушунчалар берилди. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, Конституциямизда мустаҳкамланган демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати, давлат ва жамият қурилишига оид нормалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**




2012 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

## КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

**Банкротлик институти – бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан бўлиб, корхоналарнинг самарали фаолият юритишини рағбатлантириш, кредиторлар, мулкдорлар ва давлат манфаатларини таъминлаш, самарасиз тузилмаларга барҳам бериш ҳамда рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Бу борада 1994 йил Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонуни ва 2003 йил 24 апрелда унинг янги таҳрири қабул қилинди. Шу йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни кучга кирди.**

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг юридик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тўлқин НАБИЕВ шу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.**

**– "Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунининг қабул қилиниши сабаблари нимада?**

– Мазкур қонун Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш, иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиб бораётгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ҳамда давр талабларидан келиб чиқиб, қабул қилинди. Ушбу қонунда корхоналарни тугатишга доир иш юритишнинг айрим тартиб-қоидаларини амалга ошириш муддатларини тезлаштириш кўзда тутилган. Банкротлик бозор воситаси сифатида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш, ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарнинг рақобатбардошлиги ва уларни реконструкция қилишга самарали таъсир кўрсатиш имконини беради. Бу борадаги муҳим чора-тадбирлар ёрдамида банкрот хўжалик юритувчи субъектлар инқироздан чиқарилмоқда, истиқболсиз корхоналар тугатилиб, уларнинг ўрнида соғлом ишлаб чиқариш сектори ташкил этилмоқда.

**– Қонунга қандай ўзгартишлар киритилган?**

– Қонун билан "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10 ва 71-моддаларига ўзгартишлар киритилди. Уларда кредиторларнинг биринчи йиғилиши Хўжалик суди мажлисигача камида ўн кун муддат қолганида ўтказилиши лозимлиги назарда тутилган эди. Кўрсатилган мазкур ўн кунлик муддат суд бошқарувчисининг кредиторлар йиғилиши баённомасини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга Хўжалик судига йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида кечикмай топшириш бўйича ҳаракатини ҳамда суднинг йиғилиш материаллари билан танишиши учун 5 кунлик муддатни ўз ичига олган. Энди судга йиғилиш баённомасини топшириш муддати икки кунга, суднинг йиғилиш баённомаси билан танишиши эса уч кунга қисқартирилди. Умуман олганда, кредиторларнинг биринчи йиғилиши билан суд мажлиси ўртасидаги муддат икки баробар қисқартирилиб, беш кунни ташкил этмоқда.

Шунингдек, қонунга мувофиқ банкротлик жараёнларини ўтказиш муддатларини мақбуллаштириш мақсадида "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 49-моддасига Хўжалик судининг мажлисида банкротлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқилишини қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан икки ой муддатга қисқартиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

(Давоми 2-бетда).

**ИҚТИСОДИЁТ**

# ТЕЗКОР ЧОРАЛАР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрилган шошилинч чора-тадбирлар йил охиригача қўшимча 2 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Натижада корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўтган йилга нисбатан 106,2 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида талаб ва эҳтиёжларни зийраклик билан ўрганиб бориш, технологик жараёнларни янгилашга, бозорбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қисқа фурсатда йўлга қўйиб юборишга ҳамиша тайёр туриш зарур. Чунончи, биринчи чорак якунлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни камайтириб юборган корхоналарда кўрилган чора-тадбирлар натижасида иккинчи чоракдаёқ 27 та шундай корхонанинг 15 тасида сезиларли ўзгаришларга эришилди. Улар биринчи ярим йилликдаёқ деярли 20 миллиард сўмлик қолоқликни бартараф эта олдилар.

Ёки бошқа бир мисол. Ангрен шаҳридаги "Саноатқалинқоғоз" қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Бунинг асосий сабаби хом ашё етишмаслигида эди. Хўжалик идоралари корхонага бу масалада амалий ёрдам кўрсатди, вилоят ҳокимлиги алоҳида режа ишлаб чиқди.

Айни пайтда корхонага хориж сармояларини жалб қилиш борасида ҳам изланишлар бошланди. Корхона акцияларининг 53 фоизи хорижий ҳамкорга сотилди. Хорижий сармоядор – Чехия Республикасининг "Paper Holding S. R. O" компанияси хом ашё таъминотини изга солиб, зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бера бошлади. Ишлаб чиқаришни модерзинациялашнинг 2013 йилгача мўлжалланган лойиҳасини амалга ошириш бошланганлиги маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш имконини бераётир.

Кўрилаётган изчил ташкилий-техник чора-тадбирлар корхонада технологик жараёнларни жадаллаштиряпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, корхона йил охиригача қўшимча бир миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу биринчи ярим йилликдаги 2,5 миллиард сўмлик қолоқликни бартараф этиб, ялпи маҳсулот ўтган йилга нисбатан 3 фоиз кўпайишига олиб келади.

Шу тариқа ўтган тўққиз ойда маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтирган 7 та маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилаётир.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ**

**Бош Қомусимизнинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас дейилган.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Шу нуқтаи назардан қараганда, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш концепциясини ҳаётга татбиқ қилишда давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида одил судлов тизими яратилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни 2-моддасига асосан суд фуқароларнинг мамлакат Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Шунингдек, мазкур қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлаб берди. Негаки, қонунга кўра фуқароларимиз, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек, ҳаёти ва соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, мол-мулкига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгалар.

Юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқларнинг амалга ошиши учун, албатта, фуқаролардан ҳуқуқий билим ва маданият талаб этилади. Чунки, уларнинг ҳуқуқий маданияти юқори даражада бўлиши демократик давлатнинг муҳим хусусиятидир. Айниқса, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва шу йўл билан уларнинг бу жараёндаги иштирокини кучайтириш долзарб вазифалардан биридир.

Бу борада бир муҳим масалага эътибор қаратиш зарур. Яъни ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, уларнинг жамият ва давлат бошқарувини ислоҳ қилишдаги ўрни ҳамда амалдаги ижроси билан белгиланади. Бунда қонун устуворлиги тамойилига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий меъёрлар одамлар онгидан чуқур жой олиб, ҳаётга тўлиқ татбиқ этилсагина, қонун ҳужжатларининг ижроси амалда таъминланади ва кўзланган мақсадлар рўёбга чиқади.

Юртбошимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"га бағишланган маърузасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида урғу бердилар. Жумладан, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши, бу борадаги ислоҳотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқлиги ҳамда юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу масала кеча ёки бугун кўтарилгани йўқ. Ислоҳотлар фуқаролар ҳуқуқий онги, сиёсий маданиятини юксалтиришга замин яратиб, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини оширишга хизмат қилаётир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда изчил давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган мақсад ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари улуғланадиган янги жамият қуриш ва бу жамиятда яшовчи барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишдан иборат. Ҳар бир фуқаро бу борада зиммасидаги улкан масъулиятни тўла ҳис этиши, шу эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятининг асосий мезонига айлантириши лозим.

**Жамол ОЧИЛОВ,**
**Республика Адлия вазирлиги масъул ходими.**

# БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиб, ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошаётгани самарасида бизнесни баҳолаш хизматларига талаб ҳам ўсмоқда. Мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматлари кўлами ва сифатини ошириш, баҳолаш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи самарали усулларни жорий қилиш – давр талаби.**

Тошкентда мамлакатимиз мутахассисларини халқаро молия ҳисоботи стандартлари (МСФО) билан таништиришга бағишлаб ўтказилган семинарда шулар хусусида сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва "Эрнст энд Янг" (АҚШ) халқаро аудиторлик ва маслаҳат компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда манфаатдор вазирликлар, идора ва ташкилотлар, баҳолаш компаниялари, фирмалар ва банклар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С. Ғаффоров мамлакатимизда 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонун ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган аудиторлик фаолиятини давлат томонидан тартибга соладиган тизим шакллантирилганини таъкидлади. Ушбу тизим юридик шахсларга лицензия, жисмоний шахсларга сертификатлар бериш, лицензия талаблари ва шартларининг ижросини назорат қилиш билан шуғулланади.

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 24 апрелда қабул қилинган "Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ 2009-2015 йилларда баҳолаш фаолиятини ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар ишлаб чиқилди. Баҳолаш стандартларини мунтазам такомиллаштириш, миллий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда, уларни халқаро талабларга мослаш муҳим ўрин тутади.

Семинарда "Эрнст энд Янг" компаниясининг етакчи мутахассислари иштирокчиларни битим ва молиявий ҳисобот тузиш учун халқаро баҳолаш бизнес тизими, методологияси, мулк ва номоддий активларни баҳолаш жараёни, шунингдек, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари доирасидаги бошқа меъёрлар билан таништирди. Ўзбекистонда баҳолаш фаолияти соҳасини такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИНИ ЯРАТАМИЗ




Вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида "Менинг маҳаллам тарихи" танлови ўтказилди. Уни "Маҳалла" хайрия жамғармаси маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этди. Оққўрғон туманидаги "Элтамғали" маҳалласининг "Турон" жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**СУРАТЛАРДА:** танловдан лавҳалар; ғолиб жамоа аъзолари.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



**ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ**

**Оила барқарорлиги жамият тараққиётининг муҳим омилидир. Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигига қаратилган саъй-ҳаракатларнинг кўлами кенг, мазмун-моҳияти чуқур. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, улар – бугун ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи. Шу боис халқимизнинг оиладек муқаддас даргоҳга ҳурмат, эътиқоди бекиёсдир.**

# АСОСИЙ МАЪНАВИЙ МЕЗОН

*"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади".*

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIV боб 63-модда.**

Фарзанд энг аввало оила аталмиш қутлуғ даргоҳда тарбия топади, камолга етади. Оиланинг устуни бўлган ота-она фарзандларини ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, оилада соғлом муҳитни яратишда муҳим роль ўйнайди. Оиладаги тарбия халқимизнинг миллий анъаналари, урф-одатлари билан шу қадар уйғунлашиб кетганки, буни бошқа миллатларда учратмаймиз. Каттага ҳурмат, кичикка иззат миллий анъана, урф-одат ва қадриятларга садоқат, меҳр-оқибат энг аввало оилада шаклланади.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида оилага таъриф берилар экан, жумладан, шундай дейилади: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади".

Мустақиллик йилларида оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга юксак эътибор қаратилди. Бу давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг "Оила кодекси"да "Оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Зеро, Ватан деган тушунча оилада шаклланади.

**Ҳабибулла ОТАҚЎЗИЕВ,**
**9-давлат нотариал идораси нотариуси.**

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

# АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИДА МУКАММАЛ ТИЗИМ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги "Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда ва хорижликларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш: муаммо ва ечимлар" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

Тадбирда таъкидландики, иш билан банд бўлмаган аҳолига, таълим муассасалари, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахсларга, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида ишини йўқотган фуқароларга, ногиронларга, оилавий шароитига кўра ишламайдиган аёлларга хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани натижасида шу йилнинг 10 ойида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ 869 мингга яқин янги иш жойлари яратилди.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим шаклларидан бири бўлган фуқароларнинг меҳнат миграциясини таъминлаш ва шу орқали одам савдосига қарши курашишда фаол чоралар кўриш йўналишида республикада мукаммал тизим яратилди. Меҳнат миграцияси масалалари бўйича давлатлараро ҳамкорлик кенгайиб бораётганини ҳисобга олиб, шунингдек, фуқароларнинг чет элларда ишлаш учун чиқиб кетишини ташкил этиш тизими ва унинг тамойилларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва унга кўра Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий Бюроларининг низомлари тасдиқланди. Шунингдек, ушбу қарор асосида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳузурида чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ушбу муаммони бартараф этишнинг асосий тамойиллари ва йўналишларини белгилаб берди, одам савдоси жабрдийдаларини реабилитация қилиш ва одам савдосига қарши халқаро ҳамкорлик асосида курашиш тартибини шакллантирди.

Конференция сўнгида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ:**

# ХАВФСИЗ АВИАТАШУВЧИ

**Миллий матбуот марказида миллий авиакомпания хизмат кўрсатиш тизимида эришилган ютуқ ва тажрибалар, техник ва технологик янгиликлар, фуқаро авиацияси соҳасидаги хавфсизлик тизимининг устувор масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Унда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ходимлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда миллий авиакомпанияга яна иккита Боинг-787 Dreamliner ҳамда тўртта Боинг-767 самолётларини олиб келиш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Авиация техникасига хизмат кўрсатишда замонавий методларни жорий этишдаги хизматлари учун "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Давлатлараро авиация қўмитасининг 20 йиллиги муносабати билан ушбу ташкилотнинг Фахрий дипломи билан тақдирланди.

Юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли "Ўзбекистон ҳаво йўллари" бугунги кунда жаҳонда барқарор, хавфсиз, кучли ва илдам ривожланаётган авиаташувчи сифатида эътироф этилмоқда.

**"Туркистон-пресс".**

**ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ**

# КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонуннинг 52-моддаси тўртинчи қисми эски таҳрирда эълон қилиш учун юборилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар улар олинган пайтдан бошлаб ўн кун ичида чоп этилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 июнда қабул қилинган "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Биржа" ва "Солиқ инфо" газеталари банкротлик ҳақидаги маълумотлар эълон қилинадиган расмий нашрлар этиб белгиланган. Айни пайтда "Биржа" газетаси ҳафтасига 3 марта, "Солиқ инфо" газетаси эса 1 марта чоп этилмоқда. Шу муносабат билан маълумотларни эълон қилиш муддатини тезлаштириш мақсадида 52-моддага ўзгартишлар киритилди ва чоп этиш муддати етти кунгача қисқартирилди.

"Банкротлик тўғрисидаги" қонуннинг 110-моддасида қарздор корхонани (бизнесни) сотиш очиқ кимошди савдосини ўтказиш йўли билан амалга оширилиши ҳамда бу ҳақдаги эълон расмий нашрда чоп қилиниши назарда тутилган. Агар эълонда кўрсатилган муддатларда бирорта ҳам талабнома олинмаган бўлса ёки битта иштирокчидан талабнома олинган бўлса, қарздор корхонани (бизнесни) сотиш бўйича кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилади ва шу шартлар асосида такрорий кимошди савдоси ўтказилади. Агарда, такрорий кимошди савдоси ҳам амалга ошмаган деб топилса ёки корхона (бизнес) сотилмаган бўлса, суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилиши қарорига биноан кейинги (учинчи) кимошди савдосини ўтказиш чораларини кўриши, унда корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан пасайтирилиши мумкинлиги, бироқ бунда пасайтириш аввалги кимошди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак эди.

Таклифлар келиб тушмаганлиги сабабли мол-мулкни нархни пасайтирмасдан такрорий кимошди савдосига қўйиш, одатда, натижа бермайди.

Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларида суд ижрочилари томонидан мол-мулкни сотиш бўйича сотишнинг янада соддалаштирилган усули мавжуд. Хусусан, суд қарори бўйича қарздорнинг ундирилиши лозим бўлган мол-мулки биринчи савдода сотилмаган тақдирда ("Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 56-моддаси) такрорий кимошди савдосини ўтказмасдан (нарх пасайтирилмасдан), нархни 10 фоизга камайтирган ҳолда савдони ўтказиш имкониятини берувчи норма қўлланилади. Бунда мол-мулкнинг нархи пасайтирилган ҳолда такрорий кимошди савдоларини ўтказиш ҳақидаги хабар оммавий ахборот воситаларида кимошди савдоси ўтказилишидан камида 15 кун олдин эълон қилинади. "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 110-моддаси қайд этилган қоидалар билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 124, 134 ва 135-моддаларига ҳам қўшимчалар киритилди. Уларда қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир ишларни амалга ошириш ҳамда банкларга қарздорнинг айрим корхоналарини (бизнеси) ёки мулкининг бир қисмини сотиш имконияти кўзда тутилган бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган фармойишида назарда тутилган вазифаларга мосдир.

Қонуннинг 70-моддасига асосан кредиторлар кузатув жараёнида қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисидаги маълумот расмий нашрда эълон қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида қарздорга ўз талабларини билдиришга ҳақли. Кредиторлар ва уларнинг талаблари ҳақидаги барча маълумотлар кредиторлар талаблари реестрига киритилади. Банкротлик тартиб-қоидалари давомида кредиторлар ҳақидаги маълумотлар ўзгариши боис, "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 127-моддасида кредиторларнинг янги талабларини қўйиш имконияти назарда тутилган. Бунда тугатишга доир иш юритиш вақтида кредиторлар реестрига янгиланган маълумотларни киритиш муддати жуда катта – 60 кун эди. Киритилган ўзгартишлар ушбу муддатни 30 кунга қисқартиришга имкон берди.

Аввал амал қилинган қонун ҳужжатларида кредиторлар томонидан банкрот корхоналарнинг сотиш учун таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида сотилмаган мол-мулкини қабул қилиш бўйича суд бошқарувчиларнинг таклифига жавоб тақдим этиш муддати чекланмаган эди.

Кредиторларнинг банкрот корхоналарни тезроқ ва самарали тугатиш бўйича жавобгарлигини ошириш мақсадида қонунда уларнинг тегишли қарорни қабул қилишлари учун 10 кунлик муддат белгиланди ва "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 143-моддаси ушбу норма билан тўлдирилди. Шунингдек, мазкур моддага асосан сотиш учун таклиф этилган, аммо сотилмаган мол-мулк, агарда кредиторлар мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этган тақдирда, суд бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилади. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эски таҳрирга биноан бир ой муддат ичида кўрсатилган мол-мулкни ўз балансига олиши шарт эди. Тугатишга доир иш юритишни ўтказиш муддатини тезлаштириш мақсадида ушбу мол-мулкни қабул қилиш муддати 15 кунга қисқартирилди.

Мухтасар айтганда, қабул қилинган мазкур қонун банкрот корхоналарни тугатиш билан боғлиқ тегишли жараёнларни амалга ошириш муддатини мақбуллаштириш, уларнинг мол-мулкини кимошди савдолари орқали янги мулкдорларга сотишни тезлаштиришга хизмат қилади, қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритишни ўтказиш жараёнида у ерда ишловчи ишчи-хизматчиларнинг иш ўринлари сақланиб қолишини кафолатлайди, кредиторлар талабларининг қаноатлантирилишини тезлаштиради, иқтисодий ночор банкрот корхона негизида замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда янги иш ўринларини ташкил қилиш имкониятини беради.

**ЎзА мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА суҳбатлашди.**

**ДАВЛАТ ГРАНТИ СОҲИБЛАРИ**

# МЎЪЖАЗ БУЛОҚНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

**Ҳаётимизнинг энг азиз, энг қадрли неъматлари борки, уларнинг ҳар бирига табаррук Она сўзини қўшиб айтишга одатланганмиз. Она Ватан, Она диёр, Она юрт ва ҳоказо. Аммо, мана шу атамаларнинг барчасига бирдек таааллуқли бўлган яна бир сеҳрли сўз бор: Табиат – Она табиат! Яъни: Табиат – бу замон ва маконнинг яхлит бир инъикоси, Инсон эса шу табиатнинг бир бўлаги, таъбир жоиз бўлса, меҳригиёсидир. Табиатни асраб-авайлаш, керак бўлса парваришлаб, келажак авлодга етказишдек масъулият инсонлар зиммасида. Аммо, буни идрок этувчилар ҳам, аксинча, лоқайдликни одат қилганлар ҳам истаганча топилади.**

Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган "Родничок" – "Булоқча" нодавлат нотижорат ташкилоти бу масъулиятни астойдил зиммасига олган. Унинг кўпгина хайрли ишлари эл оғзига, давлатимиз назарига тушиб улгурди. Бу бежиз эмас. Ташкилот раҳбари Людмила Кошелапованинг табиат муҳофазаси, унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган услубий қўлланма, буклет ва тавсияномалари соҳа мутахассисларини бефарқ қолдирмаслиги табиий. "Экологический туризм. Потенциал и перспективы развития в Узбекистане". (2009 й), "Экотропа – учебный кабинет в природе" (2008 й), "Сохранение тугайных лесов и укрепление систем охраняемых территорий в дельте реки Амударё в Каракалпакстане" услубий қўлланмалари Ўзбекистоннинг беқиёс гўзал табиати, яшил олами, табиий бойликларига ҳурмат, дахлдорлик, фахр ва ғурур ҳиссини уйғотади.

Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди тавсиялари асосида ёшларни бирлаштириш мақсадида вилоят болалар туризми ва ўлкашунослик маркази ҳамкорлигида "Ёшлар экотуризмини ривожлантириш", "Муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ёшлар иштироки ва ҳамкорлигини йўлга қўйиш", "Барқарор ривожланиш учун билим олиш" ва бошқа шу каби қатор лойиҳаларни мунтазам амалга ошириб келмоқда.

"Булоқча" – "Родничок"нинг кенг кўламдаги фаолияти туфайли вилоят ёшлари экология ва табиатни муҳофаза қилишда фаол иштирок этаётир. Ўлкашунослик илмини, табиатда мавжуд ҳар бир унсур, хоҳ у тоғу тош, ўт-ўлан, ҳайвонот, наботат дунёси бўлсин, барчасини асраб-авайлаш зарурлигини ташкилот уюштирадиган ҳар бир тадбирда ўрганиб, англаб, идрок этаётган ёшлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги ҳам "Родничок"нинг хайрли ишлари самараси. Бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилаётган тадбирларда бажонидил иштирок этаётган ёшларда тобора она табиатни асраш, Ватанни севиш, ардоқлаш ҳислари шаклланиб бораётгани, Юртбошимиз айтганларидек "Биздан озод ва обод Ватан қолиши" учун интилишни англатади. "Родничок" аъзолари "Жасур болалар" телемусобақасида туристик саёҳатда зарур бўладиган техник воситалардан моҳирона фойдалана олишларини кўрсатсалар, Чимённинг тозалиги, Булоқсувнинг мусаффолиги учун ўтказиладиган экологик акцияларда табиатни асрашни, "Қор қоплони изидан", "Жайрон изидан" каби тадбирларда ҳайвонларни муҳофаза қилишни ўрганадилар, тарғиб қиладилар.

Қисқаси, "Родничок"нинг шу кунгача амалга оширган ишлари, табиат, экология муҳофазасига бағишлаб тузилган келгусидаги режалари бисёр. Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ажратилган давлат гранти эса мана шу хайрли ишлар, эзгу мақсадларга йўналтирилаётганлиги шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Жамиятимиз ҳаётини замонавий телекоммуникация тизимларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот оқими шиддат билан кўпайиб бораётган бугунги кунда одамларга ҳаётнинг турли жабҳаларига оид маълумотларга эга бўлиш имкониятини берадиган хилма-хил мосламалардан фойдаланиш зарурати ошмоқда.**

# «ЯГОНА ОЙНА» ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида телекоммуникация тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётир. Бу эса мобиль алоқа, маълумотларни узатиш ва интернет тизимидан фойдаланишни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Тақдим этилаётган телекоммуникация хизматлари сифати яхшиланиб, турлари кенгаймоқда, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг янги моделлари жорий этилмоқда.

Ҳозир пойтахтимизда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг еттита сотиш пункти "ягона ойна" тамойилига биноан фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда мижозларга телефон алоқаси, интернет ва кўчмас ҳамда CDMA-450 стандартидаги мобиль алоқа хизматлари кўрсатилмоқда.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси матбуот хизматидан маълум қилишларича, ҳозир мамлакатимизда ўттизга яқин ана шундай тузилма фаолият кўрсатаётир. Компания абонентлари бу ерда зарур ахборот ва маслаҳатлар олмоқда, шартномалар тузиб, тўловларни тўламоқда.

Илгари компания абонентлари телефон хизматларига эга бўлиш, интернетдан, мобиль алоқа ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун турли филиалларга мурожаат қилган бўлса, айни пайтда янги сотиш пунктида барча хизмат турлари бўйича сервис, жумладан, техник ёрдам кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Вилоятимизнинг Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ тумани марказида ҳам янги сотиш офислари фаолият кўрсатмоқда. Компанияда пухта ўйланган кадрлар сиёсати амалга оширилаётир – ходимлар махсус тренинг ва курсларда малака оширмоқда. Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида йўлга қўйилган шошилинч линия ёрдамида яқин атрофдаги сотиш пункти қаерда жойлашгани, кўрсатилаётган хизмат турлари ҳамда бошқа зарур ахборотга эга бўлиш мумкин.

Янги сотиш пунктлари нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам самарали хизмат кўрсатмоқда. Бу мазкур телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш катта самаралар бераётганидан далолатдир.

**ЎзА.**

# ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ОМИЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш – юрт тинчлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда асосий эътибор Президентимизнинг "Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг 20 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилди. Унда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қўлга киритилаётган ютуқлари, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боришда ҳамда яқин келажак ва истиқболдаги вазифаларнинг бажарилишида ҳарбий соҳа бошқарув идоралари раҳбар ходимлари олдида турган долзарб вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

# МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК БУЮМЛАРИ НАМОЙИШИ

**Тошкентда "Bazar-Art. Куз – 2011" IX Ўзбекистон анъанавий ва безаклиамалий санъат кўргазма-ярмаркаси бошланди**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бир қатор ижодий, жамоат ташкилотлари томонидан Миллий санъат марказида ташкил этилган мазкур кўргазма-ярмаркада мамлакатимизда фаолият юритаётган уста ва ҳунармандлар яратган маҳсулотлар кенг намойиш этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида миллий ҳунармандчилик санъатининг асрий анъана ва мактабларини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар бунда муҳим аҳамият касб этаётир. "Art Week Style Uz" санъат ҳафталиги, "Асрлар садоси", "Янги авлод", "Келажак овози" сингари фестиваль ва кўрик-танловлар қаторида 2007 йилдан буён ўтказилаётган "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркаси иштирокчилари сони ҳам тобора ошмоқда. Унинг миллий ҳунармандчилик бўйича изланаётган иқтидорли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар ижодини халқимиз ва хорижликларга таништиришдаги ўрни ва аҳамияти йилдан-йил ортиб бормоқда.

Уч кун давом этадиган кўргазма-ярмаркада миллий ҳунармандчиликнинг турли йўналишларига оид намуналар намойиши билан бирга, таниқли усталар иштирокида маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ГИЁҲВАНДЛИККА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙЎЛ!

**Гиёҳвандлик йўлига кириб қолганлардан кўпчилик узоқроқ юришга ҳаракат қилади. Чунки, у яшаётган маҳалланинг тинчи бузилади, қолаверса, ўз оиласидагиларга ҳам зарар етказади.**



Аслида, гиёҳвандлик энг оғир касалликдир. Шунинг учун касал бўлгандан кўра, уни олдини олган маъқул. Бунда энг аввало фарзанд тарбияси катта аҳамиятга эга. У она қорнидалигидаёқ бошланиши керак. Яъни, она қорнидаги болани ҳис қилиши ва бутун диққатини унинг тўғри ривожланишига қаратиши, асабийлашмаслиги, бола билан мулоқот қилиб туриши, табиат қўйнига бориб, гўзал манзараларни томоша қилиши, китоблар мутолаа қилиши, вақти-вақти билан дам олиб туриши ва албатта, тўғри овқатланиши зарур. Ота эса, унга шу шароитларни яратиб бериши керак.

Бола туғилиши билан уни дарҳол ўз онасининг бағрига қўйилиши ҳам бежиз эмас. Шу пайтдан бошлаб, бола билан она орасидаги меҳр туйғулари шакллана бошлайди. Болага чақалоқлик давридан бошлаб, катталар билан гаплашгандек мурожаат қилиш суҳбатлашиш, ҳамма саволларига жавоб бериш, руҳан қувватлаб туриш керак.

Кўпинча ишдан келган ота-оналар бола билан мулоқот қилишни хоҳлашмайди. Бола эса, куни билан ота-онасини кутиб, бўлган воқеаларни гапириб бергиси ҳамда руҳан қувватланишни хоҳлайди. Агар ота-оналар бола учун вақт ажратмаса, у кўчадаги одамлардан руҳий мадад излайди. Шундай пайтда гиёҳвандларнинг қўлига тушиб қолмаслигига ким кафолат беради? Ўз боласига ажратилмаган вақтни кейинчалик у гиёҳвандлик йўлига кириб қолганида, умрининг охиригача ажратса ҳам бефойда, чунки унда кеч бўлади.

Ўсмирлик даврида айниқса, болалар катта эътибор талаб қилади. Ота-онанинг меҳрига, суҳбатига, маслаҳатларига муҳтож бўлади. Ўз фарзандингизни камситмай, у билан дўстлашиб, муаммолари ечимига кўмакдош бўлишга ҳаракат қилганингиз маъқул.

Фарзандингиз билан суҳбатлашиб, уни ўрганинг, нималарга қизиқиши, кўнглида қандай кечинмалар борлигига қараб, албатта, у қизиқадиган йўналишни ривожлантиринг. Ҳар доим унга ишонишингиз ҳақида таъкидлаб туришингиз, бағрингизга босиб, вақти-вақти билан уни яхши кўришингизни эслатиб туришингиз керак. Ҳар бир бола ўз ота-онасидан шундай эътиборни кутади.

Фарзанд меҳнаткаш бўлиши учун уни ҳар хил юмушлар билан банд қилиш ва албатта спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш керак бўлади. Шунда омадли, соғлом фикрлайдиган, етук инсон бўлиб шаклланади.

Фарзанд тарбиясида меъёр бўлиши керак. Яъни фарзандингизнинг ҳар бир истагини дарҳол бажариш, эркалатиб юбориш ҳам нотўғри. Гиёҳвандлик билан шуғулланувчилар, айниқса, шунақа эркатой фарзандларга тузоқ қўйишади. Қармоққа илинган бола ўз хонадонининг баракасини учиради. Ота-она эса фарзанд доғида куйиб қолади. Ота-боболарининг ютуқлари ҳақида сўзлаб бериш, уларнинг муносиб давомчиси бўлиши кераклигини онгига сингдириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Фарзандларга ҳар доим иккита йўл борлиги, биринчиси осон, лекин охири ёмон, иккинчиси қийин, лекин охири яхшилик эканлигини тушунтириб бориш лозим.

**Фарида КОМИЛОВА,**
**саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали оммавий ахборот бўлими мудири.**

**ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ**

# БИЗ КУТМАГАН «ФАЛСАФА»

*ёхуд Ҳабибулло отанинг меҳр ҳовлиси*

Касбимиз қизиқ. Баъзан нимани ёзиш керагу нимани ёзмаган маъқуллигини ажратолмай, бошимиз қотганда, мушоҳадали бир мавзу остонамиздан ҳатлаб қолади.

Мана, айтайлик, фарзандларини алоҳида уйли-жойли қилган ота-она қайси ўғил билан яшагани маъқул: тўнғичими ё кенжаси билан? "Шу ҳам саволми, албатта, кенжа билан-да!" дейишингиз аниқ. Биз ҳам шу фикрдамиз. Негаги, таомил шундай. Аслида, бунинг ҳеч бир ёмон ери йўқ. Аксинча, дуруст жиҳати бордек. Сабаби, одатда, катта фарзандлар ота-она ҳаётлигида қадди бастини анча тиклаб олган, ўғил-қизлари ҳам йўлга кириб қолган бўлади. Кенжани бир қадар қўллаб туриш керак. Бироқ... Ҳабибулло отанинг жайдари "фалсафа"си бизни бироз ўйлантириб қўйди. Боя айтганим, мушоҳадали бир мавзу "эшик чертаётгани" шу эди. Майли, бу ҳақда кейинроқ...

Ҳабибулло отани таниганимга кўп бўлгани йўқ. Инсонни билиш, билганда ҳам шахс сифатида кашф этиш учун балки, бир умр етмас. Лекин, унинг асл сийрати қилаётган эзгу ишларида, эл-юрт манфаати йўлидаги фидокорлигида, бировга бўй, биров эн бўлиб яшашида яққол кўринаркан-қоларкан.

Балки сиз ҳам танирсиз. Ҳабибулло Йўлдошев, чинозлик миришкор деҳқон, уста пахтакор, таъбир жоиз бўлса, қилни қирқ ёриб, тупроқдан зар ундириб келаётган машҳур фермер. Заминдор бўлибдики, фермерлик деҳқончиликда иш юритишнинг нақадар истиқболли шакли эканини ўз фаолияти мисолида исботлаб келаётир. Мамлакатимизда фермерликка ўтилгач, айрим ер эгалари ғалладан етмиш, пахтадан олтмиш центнердан ҳосил олаётганларни шубҳа билан қарайдиганлар бўлса, бемалол, Ҳабибулло отанинг даласига бошлаб келаверинг. Негаки, бу хўжалик деҳқонлари ғалла, пахта ва такрорий экин сифатида сабзавот етиштиришнинг ҳаддини олганлар. "Бобурнома"нинг бир ерида Андижонда полиз бошида қовун пулга сотилмаслиги лутф қилинганидек, хўжалик аъзоларидан тортиб бутун яллామаликлар рўзғор эҳтиёжлари учун сабзи-пиёз дея бозорга югуришмайди. Ҳабибулло отанинг ҳиммати баланд. Буғдойни йиғиб олгач, ўрнини такрорий экин экиш учун одамларга бўлиб беради. Битта шарти – "капсан"-га келган бирорта ялламалик қуруқ қайтмаса бас. "Ер тўйса – эл тўяди, элнинг тўйгани юртнинг фаровон бўлгани", дейди ота нуқул.

Дарвоқе, ўтган йили юртимиз пахтакорларининг меҳнат зафари муносабати билан давлатимиз раҳбарининг уларга йўллаган табрик мактубида мамлакатимизда энг юқори ҳосил олган фермер хўжаликлари қаторида Ҳабибулло Йўлдошев бошчилик қилаётган "Ҳикматулла Йўлдошев" фермер хўжалиги номи алоҳида тилга олинди. Бу эътироф, бундай эътибор, аниқки, нафақат хўжалик деҳқонларини, балки бутун чинозлик пахтакорларнинг ҳам ғайратига ғайрат қўшди. Бу йилги мавсумда улар яна биринчилардан бўлишди. Ҳосилларининг барчаси "олий" ва "яхши" навларга қабул қилинди. Ҳабибулло ота бошлиқ пахтакорлар ҳам бўш келмадилар. Роса 31 гектар майдонда "оқ олтин" етиштирган хўжалик аъзолари қабул пунктларига вилоятда илғорлар қатори 160 тоннага яқин қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб бердилар.

Бу – шартномада белгиланганидан қарийб 60 тонна кўп. Бу – ҳосилдорлик 50 центнердан ошди, дегани. Бу – ҳаётини ердан қор кетгандан қор тушгунча дала билан боғлаб келаётган 33 аъзога Худо берди, дегани. Боринки, бу – топганини яхши кунга атайдиган ялламаликларнинг боши энди кўкламгача тўйдан чиқмайди, дегани. Алҳол, туман пахтакорларининг зафари давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган бу сафарги табригида ҳам алоҳида тилга олинди.

Ҳабибулло Йўлдошевнинг ҳамиша такрорлаб юрадиган бир ибораси бор: "Уйингдан топмаган бахтни кўчадан излама!" Инсон боласи борки, уйидан тинсин. Негаки, шоир айтмоқчи, уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёр. Чиндан ҳам, рўзғори бут, оиласи тинч, фарзандларидан кўнгли хотиржам бўлмаган инсон ҳаётнинг жуда кўп лаззату қувончларидан бебахра ўтади.

Қирқ-эллик чоғли одамнинг бошини бир хўжаликда қовуштириб, уларни ортидан эргаштириб келаётган кекса фермер эришаётган ютуқларнинг ўзак илдизи ҳам оиласидаги тинчлик ва хотиржамликка бориб тақалади, десак



асло янглишмаймиз. Умр йўлдошлари Карима ая билан уч ўғил, икки қизни ҳеч кимдан кам қилмай камолга етказдилар. Фарзандларининг ҳаммаси ўқиб, олий маълумотли бўлишди. Улар ҳам аста-секин ота-оналари каби ҳаётда ўз ўрни ва йўлларини топиб, етук ва малакали агроном, иқтисодчи, ҳуқуқшунос, таълим ва тиббиёт ходими сифатида эл-юртга содиқ хизмат қилишаяпти. Бир этак набиралар эса ҳозир энг нуфузли лицей ва коллежларда таҳсил олмоқдалар.

Бу ерга дам олиш кунлари келиб кўринг! Ҳовли жужуқча набиралар билан тўлиб-тошади. Тандир-тандир нон ёпилади, албатта, палов дамланади. Ҳовли катта, чорвачилик, боғдорчилик, гулчиликдан бор. Ҳабибулло ота ҳовли ишларини набираларига тақсимлаб беради-да, кимнинг қандай ишлаганини баҳолаб боради. Кимни рағбатлантириш, кимга жиндек танбеҳ бериш лозимлигини ҳам аниқ чамалайди. Тушликдан сўнг набираларининг таълим-тарбияси билан эринмай, битта-битта қизиқади. Ўқишларини, олган баҳоларини сўрайди. Кундалик дафтарларини бирма-бир кўздан кечиради ва "ота-оналар имзоси" деган жойига ўзи қўл қўяди. Унга қолса, мактаблардаги ота-оналар мажлисига, агар бор бўлса, буваларни ҳам қўшиб чақириш тарафдори...

Энди, мустақиллик болалари эмасми, набираларнинг бурролигини айтинг! Бири олиб, бири қўйиб, боболари билан фикр алмашади, ўқиган китобларидан гапиришади. Бири мен тоғамга ўхшаб ҳуқуқшунос бўламан, деса бошқаси додамдек машҳур фермер бўламан, дейди! Ҳабибулло ота эса уларнинг болаларга хос беғубор орзуларидан завқланиб, бундай катта мақсадларга эришиш учун, албатта, яхши ўқиш, эл-юртга садоқат ва муҳаббат билан улғайиш лозимлигини уқтиради.

Дарвоқе, сал қолса, сўзимиз аввалидаги "жумбоқ"ни унутаёзибмиз. Хўш, Ҳабибулло отанинг "фалсафа"си нима экан, дерсиз. Гап шундаки, бу оила катталари ўрта ва кенжа ўғилларни алоҳида уй-жой ва рўзғор билан чиқариб, тўнғич ўғил билан туришар экан. Бунинг сабабабини сўраганимизда Ҳабибулло ота секингина "Ҳожи аянгиздан сўрамадингизми?" деб қўйди. Рости, маъзур тутсинлар-у, кенжа келин билан қайнонанинг гапи келишмайроқ қолган экан-да, деган хаёлга борибмиз! Хайрият, гап бошқа ёқда экан...

– Фарзандларнинг ҳаммаси азиз, ҳаммаси ширин, – дейди Ҳабибулло ота. – Ҳаммаларини бир муддат кўрмасак соғинамиз. Барака топишсин, келинлар ҳам бири биридан аъло. Энди, тўнғич фарзанд билан яшашимизнинг боиси шуки, катта ўғил биздан кейин ҳаммасига ота ўрнида ота бўлиши лозим. Ота ҳовлига қизлар ҳам, кенжа ўғиллар ҳам ҳар доим қаддиларини тик тутиб келишлари керак – ҳам ота-онани, ҳам акани зиёрат қилгани. Агар кенжа ўғил билан турилса, катта фарзандларнинг кенжани бориб кўргани ҳар доим ҳам бўйни ёр беравермаслиги мумкин. Минг шукр, менинг фарзандларим ҳам, келинларим ҳам меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли-ку, лекин пайти келиб келинпошшалар ўғилларнинг қулоғига "керак бўлса укангиз сизни келиб кўрсин..." деб шивирлаб қўйса-чи... Худо кўрсатмасин, қарабсизки, ота ҳовли ҳувиллаб, диййдор тилаб ётаверади... Биздан кейин ҳам ҳовлимиз фарзанларимиз, невараю чевараларимиз билан тўлиб-тошсин деган мақсадда Карима аянгиз билан маслаҳатлашиб, ота ҳовлида тўнғич ўғлимиз билан яшашни маъқул кўрганмиз...

– Бир сафар кенжатойимиз Зиёдулла қизиқ иш қилган, – деб суҳбатга чўғ ташлайди Карима ая. – У ҳуқуқ-тартибот соҳасида масъул вазифада ишлагани боис, баъзан эл-юрт юмушларидан ортмай қолган пайтлари бизни келиб кўролмайди. Бир куни кун санаб ўтирсам, Зиёдулла келиб қолди. Қўлида худди чавандозларникидек қамчиси ҳам бор. Боламни бағримга босиб кўришганимдан сўнг, қўлидагини менга бериб: "Шуни сизга атай олиб келдим, ишим кўпайиб сизни кўргани вақтида келолмай қолганимда, шу қамчи билан мени савалаб турасиз, она..." деса-я... Ғалати бўлиб кетдим. "Эл-юрт корига яраётганингга шукр" дея дуо қилдим боламни...

...Суҳбатимиз шу зайл қизиқ давом этаётган эди-ю, туйқус эшикдан тугун кўтарган нотаниш аёллар келиб қолишди. Афтидан, совчиларга ўхшашди. Тағин билмадик. Нима бўлгандаям тўй бўлсин-э!

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

# ХАЗОННИНГ ТУТУНИ – ЗАҲАР

**Халқимиз "Ўт балоси, сув балосидан асра" деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, бундай балоларга аксарият ҳолларда ўзимиз сабабчи бўламиз.**

Шу йилнинг 9 ойи давомида вилоятимизда 1214 та ёнғин содир бўлиб, 14 фуқаро ҳалок бўлди, 49 фуқаро тан жароҳати олди. Етказилган моддий зарар 481 миллион сўмдан ошди.

Вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари шахсий уйлар, корхона, мактаб ва боғчаларда, даҳа ва маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, фуқароларга ёнғиннинг олдини олиш, содир бўлган ёнғин сабаблари ва уларнинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, халқ хўжалиги корхоналари ва фуқаролар уйларининг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Мана, хазонрезлик бошланди. Кўчаларда, даҳа ва очиқ майдонларда қуриган барглар, шох-шаббалар кўплаб тўпланмоқда. Одатга кўра, хазонрезги мавсумида хазон ва шох-шаббаларни йиғиштириш, йўқотиш пайига тушилади. Аксарият ҳолларда уларнинг тутуни атроф-муҳитга зарарли эканлигини била туриб, ёқиб юборилади. Айниқса, мактаб, боғча ва бошқа ташкилотлар атрофида бундай чиқиндиларнинг ёндирилиши кишини ташвишга солади.

Ёқиб юборилган баргларнинг заҳарли моддаларга тўйинган тутуни ўпка орқали қонга сўрилиб, одамлар соғлиғига таъсир кўрсатади. Ёнганда ҳосил бўладиган қурум ва тутунлар нафақат одам организми, балки ён-атрофдаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига, шунингдек, ернинг унумдор қатламига ҳам жиддий таъсир этади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, фуқароларнинг ўзлари оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмас эканлар, ёнғинлар камаймайди. Шунинг учун ишга барча маҳалла оқсоқоллари, кенгаш раисларини, ташкилот, муассаса, корхона раҳбарлари ва барча фуқароларни жалб этган ҳолда биргаликда ҳаракат қилиш керак бўлади.

Ҳамма вақт сергак ва ҳушёр бўлсак, амалдаги қонун-қоидаларга риоя этилса, лоқайдликка чек қўйилсагина ҳар кунимиз тинч ва осуда ўтади, соғлиғимизга зиён етмайди.

**Гулшан ИНОҒОМОВА,**
**вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори.**

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 5 апрелда 002606-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ANTARES-DELTA" (ИНН 301020719, ОКОНХ 13142) масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятидан хусусий корхонага ўзгарганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 4 июлда 001646-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SENATOR PLUS" (ИНН 300881606, ОКОНХ 13364) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 123 230 200 (бир юз йигирма уч миллион икки юз ўттиз минг икки юз) сўмдан 18 230 200 (ўн саккиз миллион икки юз ўттиз минг икки юз) сўмга камайганлигини маълум қилади.

Олмазор Тиббиёт коллежи томонидан 2008 йилда Раззакова Наргиза Абдусаматовна номига берилган К № 1081711 (рўйхат рақами № 11887) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор туманида рўйхатга олинган "JO'RABEK-BIZNES" (СТИР 203541640) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 23 660 000 сўмдан 3 160 000 сўмга камаяётганлигини маълум қилади. Тел.: 309-86-00.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 29.07.2010 йилда № 004092 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган "GEVA-SAVDO" (ИНН 300282117) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "PAKOGRAFIX" (ИНН 301406125), зарегистрированное в инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Учтепинского района хокмията за реестр. № 003330 от 16.12.2009 года, объявляет о снижении своего уставного фонда с 82 000 000,00 сумов до 3 152 430,86 сум.

Претензии принимаются в течение двух месяцев по тел.: 271-46-03.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 17.02.2009 йилда № 002501 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган (ИНН 205765391) "SHAXZODA MARVARID" хусусий корхонаси "SHAXZODA MARVARID" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

ООО "ETALON INVEST" с ИК, зарегистрированное ИРСП Шайхантахурского района за реестр. № 003916-09 от 22.01.2010г. (ИНН 207058193, ОКПО 23128458) извещает об уменьшении уставного фонда с 174 072 500 сум до 94 355 332 сум. Тел.: 239-13-46.

"ZULFINUR BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

